ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА МОТИВАЦИЯ УСУЛИ

С.ЗАЙНОБИДИНОВ, М.АБДУЛЛАЕВА, С.ҚОСИМОВА

В статье рассматривается ряд мотиваций по повышению качества учебного процесса в учебных заведениях. Приведены внешние и внутренние аспекты мотиваций, роль педагога и учащихся в повышении эффективности учебных процессов.

In the article a number of motivations on improvement of quality of the educational process at educational institutions have been considered. Resulted external and inertial aspects of motivations, a role of the teacher and pupils in the increase of efficiency of educational processes.

Физика фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш усуллари тўғрисида ҳозирги кунда кўплаб мақолалар эълон қилинмоқда. Айниқса, янги таълим технологияларини, “интерактив” усулларни қўллаб дарс машғулотларини ўтиш бўйича услубий кўрсатмалар ҳам тобора кўпаймоқда. Булардан айримларининг таҳлиллари илмий ва методик нашрларда эълон қилиб борилмоқда. Педагогик технологияларнинг ўрта махсус таълим тизими, хусусан, физик таълимни амалга оширишдаги татбиқи бўйича олиб борилаётган услубий тадқиқотлар ҳақидаги маълоҳазалар ҳам матбуотда эълон қилиниб, илмий-услубий анжуманларда бир неча бор муҳокамага қўйилди. Ушбу мақолага ҳам шундай тадқиқотларнинг давоми сифатида қаралиши керак.

Педагогик технология ўз вазифаси бўлган ижтимоий буюртмани бажариб, жамият, ота-она, ўқитувчи, ўқувчининг эҳтиёж, манфаат, мақсадларига мувофиқ бўлган мотивларни қондиришга хизмат қилади. Бу мотивлар ўзига хос боғлиқликларга эга бўлиб, улар қуйидаги схемада кўрсатилган.

Педагогик мотивларнинг ўзаро боғлиқликлри.



Мотивация – инсон фаолиятида муайян мақсадни амалга оширишга сабаб бўлувчи омил, шахсни ҳаракатга ва фаолликка ундовчи ички туртки.

Мотивация зарурият ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда маълум бир йўналишдаги керакли билимларни ўрганиш учун ҳосил бўлган истак билан боғлиқ жараёндир.

Таълим жараёнидаги мотивация ташқи ва ички мотивациялардан иборат. I.Ташқи мотивация

1.*Ўқитувчи – педагог:*

Педагогнинг касбий маҳорати, касбий билим савияси, замонавий технологиялардан фойдалана олиши, ўз фанига, мавзуга тегишли дастурдан ташқари илм-фан янгиликларини билиши, ўқувчиларни билим ва ҳаётдаги ютуқларини ривожлантириш, ўқитаётган фанини жамият тараққиётидаги аҳамиятини аниқ кўрсатиб бера олиши мотивациянинг асосини ташкил этади.



2.*Ота-она* фарзандининг таълим жараёнидаги фаолиятига бефарқ бўлмаслиги, унга ҳар томонлама ёрдам бериши, рағбатлантириб бориши, унинг таълим олиши учун шароитлар яратиши, боланинг

қизиқиш йўналишларини аниқлаб, уни фаоллаштиришда кўрсатмалар бериб бориши зарур.

3. *Жамият* - оиладаги ижодий муҳит, илмга қизиқтириш, синф, гуруҳ лидерларининг роли, бўш вақтларини самарали ўтказиш, ўзаро фикр алмашиш, фан бўйича мунозаралар, тортишувлар, тўгараклар ташкил этиш, ҳамфикр бўлиши зарур. Маҳаллада эса бир-бирини иззат, ҳурмат қилиш, илм ва билим аҳлини эъзозлаш, йиғинлар ва маросимларда билимдон, зукко ва иқтидорли шахсларга эътибор беришлии муҳим аҳамият касб этади.

4.Жамият ва табиатдаги воқеа ва ҳодисалар. Таълимнинг маълум бир фанларига бўлган қизиқишнинг ортишига атрофимизда юз берувчи фавқулотда ҳодисалар, йирик илмий янгиликлар, кутилмаган воқеалар ҳам сабаб бўлади. Хусусан, жаҳон урушлари фан ва техниканинг ривожига туртки бўлгани, олам жисмларининг ҳаракати бутун олам тортишиш қонуни, атом тузилишларининг очилишига, жамият тадрижий ривожланиши ва унинг тараққиётидаги ўзгаришлар бошқарув илмининг ривожига, моддий неъматларга эҳтиёжнинг ортиши фан ва технологияларнинг ривожланишига, табиий офатларнинг вужудга келиши, энергетик, экологик муаммолар фан ва таълимни ривожлантиришга туртки бўлиши ҳаётда кўп марта кузатилган.

Ички мотивация билим олишда энг муҳимдир.

1.Ўқувчининг эҳтиёжи – билим йўналишини тўғри танлаши, унинг келажагига ишониши, соҳа ютуқларини эътироф этиши, тарихий шахслар, буюк аждодларимизга ҳаваси, билим йўналишининг ривожига сабабчи бўлаётган йирик олим ва мутахассисларга тақлид этиши муҳим омиллардандир.

2.Назарий билимларни ўзлаштириш даражаси – ўқув жараёнида ўқувчига шахс сифатида қаралиши, турли педагогик ва ахборот технологияларнинг қўлланилиши, ўқувчиларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиши, масъулиятни ҳис қилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бундан ташқари, маърузаларни мавзуга тегишли қизиқарли ҳодисалар билан боғлаб ўтказиш, ўта мураккаб, узундан-узун формулаларни имкони борича камроқ ишлатиш, маърузаларни ўқувчиларнинг фикрлашига, ўзлаштириб олишига имкон берувчи тезликда ташкил этиш зарур. Дарс давомида ўқувчиларга мавзунинг асосий ғояси сингдирилади, йўлланма берилади.

3.Савол ва мулоҳазалар - ўзлаштиришнинг асосий белгиларидан бири. Ўқувчининг мунозараларга, тортишувга, савол беришга ўрганиши мавзуни ўзлаштиришига катта таъсир кўрсатади. Бунинг учун ўқитувчи маъруза давомида мавзунинг асосий бўлимларига урғу бериб, паузалар билан ўқувчининг савол беришга ёки айтилган фикрни яхшилаб англаб олишига имкон бермоғи даркор. Мунозаралар эса семинар соатлари, гуруҳлар йиғилиши, тўгараклар машғулотида шундай ташкил этилиши керакки, улар ҳам мунтазам равишда фан бўйича дастурнинг бажарилишига ёрдам берсин.

4. Амалий машғулотлар - табиий фанлар соҳасида амалий машғулотлар –лаборатория ишлари, амалий тажрибалар, масалалар ечиш назарий билимларни ўзлаштиришнинг энг муҳим омилидир. Бу аксиомани қабул қилмаган ўқувчининг билим даражаси юқори бўлиши амри маҳол. Масалан, электр токи ҳақида қанча кўп гапирмайлик, унинг пайдо бўлиши, истеъмолчига узатилиши ва асбобларда намоён бўлишини кўрмаса, у ҳақда тасаввури тўлиқ бўлмайди. Худди шундай диод, транзистор, микросхема, интеграл схема ва бошқаларнинг ишлашини намоён этишсиз яримўтказгичлар назариясини тушунтириш қийин.

5. Мустақил ишлар. Агар ўқувчи дарс жараёнида берилган йўналиш бўйича маълумотларнинг энг зарурини ва дастурий қисмини ўзлаштирган бўлса ҳам, уни атрофлича ва фаннинг энг янги ютуқларини эътиборга олган ҳолда кўплаб махсус адабиётлар, даврий нашрлар, интернет маълумотлари асосида мустақил равишда ўрганмаса, маърузанинг самараси паст бўлади. Мустақил равишда билим эгаллашда фан тўгараклари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Фан тўгараклари иш тартиби соҳа дастурларига мос ҳолда ҳамда ўқувчиларда қизиқиш уйғотадиган қизиқарли ўйин, тажриба, савол-жавоб шаклида тузилса, ўқувчилар учун фойдали бўлади.

6. Лаборатория машғулотларида мустақил равишда берилган мавзудаги ҳодисани намоён этиш, унинг моҳиятини тушунтира билиш ва бундай қурилмаларни ясаш кўникмаси ҳамда унинг ишлаш принципларини ўзлаштириш фанни ўзлаштиришнинг зарур элементларидан биридир.

7. Ўқувчининг ўз фикрини ҳимоя қила олиши. Таълим жараёнида ўқувчида шундай ҳиссиётни шакллантириш зарурки, у ҳам эшитаётган фикрга, ҳам амалда кўраётган воқеага танқидий нуқтаи назардан ёндашсин. Унга қарама-қаши фикрлар, воқеалар мавжуд бўлиши мумкинлигини ўйласин. Дунёда ҳеч нарса мутлоқ эмас, ҳеч нарса абадий эмаслигига амал қилсин.

8. Ўқувчининг ўз-ўзини ва олган билимларини амалда синаб кўриши. Суҳбат, мулоқот, семинар ва бошқа тадбирларда далил ва ишонч билан ўз фикрини баён этиш, ҳаётда эгаллаган билимларини қўллашга ҳаракат қилиш, доимий равишда фан ва техниканинг ютуқларига асосланган оддий ва мураккаб электрон асбоблар, машина ва мосламалар билан тўқнашилганда уларнинг тузилиши ва

ишлаш принципларини фикрлаш орқали назарий билимларини мустаҳкамлаш ва янада чуқурлаштириш билим даражасини яхшилашга хизмат қилади.

9. Билим даражасини оширишда вақтдан унумли фойдаланиш – мураккаб ва зарурий омил. Инсон нормал яшаши ва фаолият кўрсатиши учун ёшига қараб 6-8 соатни пассив (ухлаш) дам олишга, 2-3 соатини актив (спорт, жисмоний) машғулотларга, қолганини билим олиш, маънавий-маданий савиясини оширишга сарфлаши тавсия этилади. Шу қисмини ҳам ўқувчи асосий ва асосий бўлмаган ишга ажратиб олиши зурур. Вақт шундай бирликки, уни орқага қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ўқувчиларга вақтни қиммати, ундан самарали фойдаланишни сингдириш таълим жараёнининг зарурий вазифаси бўлмоғи лозим.

10 Ўқувчиларга берилган топшириқларнинг назорати - бу тадбир ўқувчининг ўз вазифаларини бажаришга масъулиятини орттиришга, топшириқларга муносабатини жиддийлаштиришга таъсир этиб, уларнинг билим савиясини оширишга хизмат қилади.

11 Иқтидорли ўқувчиларни махсус дастурлар асосида шуғуллантириш – ҳар бир гуруҳ, синфда энг илғор, иқтидорли ўқувчиларни махсус фанлар ўқитувчиларига бириктириш, уларнинг фан олимпиадалари, ўқув семинарлари ва тўгаракларда фаол иштирокини таъминлаш, кутубхона (АРМ), интернетлардан фойдаланишларига қўшимча имкониятлар бериш, йирик ўқув марказлари, соҳасининг машҳур олим ва мутахассислари билан танишиш, маслаҳатлар олиш, ижодий таътиллар бериш амалиётларини қўллаш соҳанинг билимдонларини тайёрлашга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: Шарқ, 1998
2.А.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2009
3.Бегимқулов У. Физика дарсларида информацион технологиялардан фойдаланиш // Физика, математика ва информатика журнали.- 2002
4.Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Инновацион таълим технологияси асослари.- Т.: Ўқитувчи, 2004
5.Зиямуҳамедов Б., Зиямуҳамедова С. Новая педагогическая технология.- Т.: Изд. мед. лит., 2002
6.Бауберг И.В., Юдин Э.Г. Становление и сущность системного подхода.- М., 1973
7.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе.- М.: Знание, 1989
8.Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари.- Т.: Ўз ПФИТИ, 1999.
9.Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар.- Т.: Фан, 2000.
10.Коменский Я.А. Буюк дидактика.- Т.: Ўқитувчи, 1975
11.Волков И.П. Приобщение школьников к творчеству.- М., 1982
12.www.ziyonet.uz
13.www.bestreferat.ru
14.www.physics.ru

Андижон давлат университети,
2012 йил 17 майда қабул қилинган